

*“Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.  
Роббана тоқаббал минна иннака  
анта-с-самуул алийм ва туб аълайна  
иннака анта-т-таввабур роҳийм.”\**

Боқчаларда гуллар сўлди, сезмадим,  
Ўстирганлар етим бўлди, сезмадим.  
Кўнгилларга қора тўлди, сезмадим,  
Сездим сенинг кетганингни,  
кўнгилдан...

*Абдулҳамид Чўлпон.*

Кўнма, булбул, кўнма, булбул,  
Мозор тошига.  
Налар келди, налар келди  
Юртим бошига!..

*Халқ қўшиғи.*

Юрагимда хўрлиқларнинг алами,  
Сўрсам, дерлар: “Ёзмиш Қудрат қалами”.  
Нечун қалам бахтимни қаро ёзди?  
Не қилдим, йўлимни ғамаро ёзди?!  
Толеимдин кимга йиғлай, дод этай?  
Дунё келиб, нени кўрдим, ёд этай!

*Мирзакалон Исмоилий.\*\**

---

*\*Маъноси будир: “Эй Парвардигоримиз! Шак-шубҳасиз, Сен эшитгувчи ва билгувчи зотсан. Тавбаларимизни қабул эт. Шубҳасиз, Сен тавба қабул қилгувчи зотсан” (Қуръони Каримнинг Бақара сурасидан).*

*\*\*Фарғона тонг отгунча” романидаги Тўтининг Дилшодга ёзган мактубидан. Мазкур мактуб ёзувчи қамоқда эканида қоғозга туширилган.*

## Муаллифдан:

Оламларнинг роббиси Аллоҳга ҳамдлар ва шукурлар, оламларга раҳмат этиб юборилган зотга саловат ва саломлар бўлсин.

Муҳтарам адабиёт муҳибларига кичик бир хизмат қилиш ниятида Тангри таолодан мадад сўраган ҳолда яна қўлга қалам олиб, оқ қоғоз устига дастлабки сатрларни битмоқдаман. Кишининг қадри ҳаётлик чоғидагига нисбатан вафотидан сўнг аниқроқ билинишини донолар айтиб ўтганлар.

Вақт — ҳакамдир. Йиллар бир тарозудир гўё. Қилинган амаллар ўлчанур. Агар инсон тарозу палласида арзирли амаллар қолдирган бўлса, унинг номи фоний дунёда яшайверади. Бундай инсонларнинг номини эслаб юриш ёки ўчириб ташлашга банда қодир эмасдир. Бу Илоҳнинг марҳаматига, хоҳиш-истагига хосдир. Бу марҳаматга эришмоқ учун эса иймон йўлидан борилади. Гувоҳ бўлайликким, бу марҳаматга, лутфу карамга ҳамма ҳам эриша олмайди.

Мирзакалон Исмоилий виждонларига хиёнат қилмаган инсонлардан бири эдилар, валлоҳи аълам! Шу боисданми, халқ бу адибга кўнгил қўйди. Вафотларига салкам ўн беш йил тўлса-да, у зотнинг мўътабар номлари ҳануз қалб ардогида. Мирзакалон Исмоилий менга меҳрибон тога, талабчан устоз эдилар. У зот устозлик ҳаққини адо этиб кетдилар, Аллоҳ рози бўлсин! Энди менга шогирдлик ва жиянлик бурчини адо этиш фурсати келди. Яратганнинг мадади, Сиз — азизларнинг дуоларингизга суянган ҳолда бу бурчни адо қилмоққа журъат этипман.

Сизларнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган асар тўқилган, ҳавойи гаплар эмас. Унинг асоси, пойдевори — Мирзакалон Исмоилийнинг қамоқхонада терговчи учун махсус ёзган, гўё тавба услубидаги “Виждон тавбаси” деган баённомаларидир. Бу номани “Виждон тавбаси” эмас, аслида “Виждон азоби” демак дуруст бўлур эди. Унда ёзувчи “халқ душманининг фарзандлари” деб номланмиш лаънат тамғаси билан болаларимга зарар етказишмаса эди”, деган хавотирда кўкракларини виждон азоби ўқига тутган, ўзларини ўзлари чиндан ҳам “миллатчи” ва “халқ душмани” эканликларини исботламоққа тиришган эдилар.

Яна бир-икки изоҳ шуки, асарда Мирзакалон Исмолийнинг турли китобларида баён этилган айрим жумлалардан ҳам фойдаландик. Адиб мураккаб ҳаётлари давомида кўп адолатсизликларни кўрдилар, дўстларнинг хиёнатларига ҳам гувоҳ бўлдилар. Хиёнаткорларнинг айримларини “Виждон тавбаси”да тилга олганлар. Хиёнаткорларнинг авлодлари мазкур асаримизни ўқигудай бўлсалар иснодга қолмасликлари учун уларнинг номларини ўзгартириб баён қилдик. Энг муҳими, дўстлар хиёнат қилган бўлсалар-да, тоғам қамоқдан чиққанларидан сўнг уларни кечириб, биродарликларини давом эттирган эдилар.

Ёзганларимизни охириги сатрига қадар тоқат билан ўқий олсангиз, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўларсиз. Улуғ адибнинг ҳаётига бефарқ эмаслигингиз учун Сиз — ази-зу меҳрибонлардан беҳад миннатдорман.

*Тарих 1998 йилнинг Наврӯз арафаси,  
Зулқаданинг Ой тўлишган кечаси хайрли  
ният ила бошладим.*

*Аллоҳ оқибатни хайрли қилғай, омиин!*

**Тошкент, Дархондаги уч хонали уй.  
1986 йил, 4 феврал, сешанба, соат 15.15.**

Қиш ўзининг аввалги ҳовуридан бирмунча тушиб, баҳор сиқиги билан чекина бошлаган бўлса ҳам, ҳануз ўз йўлларида алам заҳрини сочиб боради. Унинг аччиқ изғиринлари илиқ баҳор елларига баъзан ҳамла қилади, тамом қўзғалиб, кучга кира бошлаган дилкаш ҳаётни бўғмоқчи бўлади. Лекин борлиқни уйғотган баҳор ўз ўжарлигини қўймайди.

Баҳор ўжар.

Баҳор нафасида хуруж қилаётган хасталик ўжар.

Бемор унданда ўжар...

Табиатан серғайрат бўлган, паст бўйли, жиккакдан келган бу одамнинг хасталик олдида бўш келишини яқинларидан ҳеч бир киши кутмаган эди. Гарчи ёши саксонни қоралаётган бўлса-да, шахдам ва тетик юриши гўё унинг камида юз йил умр кўришидан дарак берарди.

Бир ой аввал шифохонадагилар “узоғи билан икки кунлик умри қолди, истасангиз олиб кетинглар”, де-

йишган эди. Унда келган-кетганни танирди, уч кундан бери эса хушсиз. Эти суюгига ёпишиб, худди ёш болага ўшаб қолган.

Атрофдагилар уни хушсиз деб ўйлашади, секин-секин гаплашишади. У эса ҳамма нарсани эшитиб, англаб ётибди. Фақат бош оғриги хуруж қилганда гапларга кулоқ солгиси келмай қолади. Меҳрибонларининг бир-бир кириб юзларини силашлари, айниқса, пешонасини уқалашлари хуш ёқади, оғриқлари сал аригандай бўлади. Пешонасига узоқ вақт қўйилиб турувчи кафтни бошқаларидан ажрата олади. Бу кафтнинг тафти мияни кемираётган оғриқни боса олади.

— Дадажон, бугун биз билан бирга уйга кетасизми?

Кулоғига жаранглаб урилган бу сасдан сесканиб кетди.

Қаердан келди бу овоз? Уни ким чорляпти?

Унинг безовталанганини атрофдагилар сезишди, лекин оғриқнинг таъсири деб ўйлаб, юзларини силашди. У эса аланглаб, овоз эгасини қидирди. Бемор ўзича атрофга жавдираб қараётгандай бўларди. Аслида эса қорачиқлардан нур қочган, керилган бурун катаklarидан эса нотекис нафас чиқарди.

— Дадажон, уйга кетмаймизми?

Яна жавдиради ва... кўрди: рўпарасида энгли оқ кўйлак кийиб олган Ойзуҳраси жилмайиб турибди. Урушдан қайтганида шу кўйлагида, шундай кулгу билан кутиб олган эди дилбанди. Бирам ширин куларди... бирам ширин куларди бу жон қизи! Лекин у ҳозир қаердан келди? Ахир у вафот этган эди-ку? Қамоқдан қайтганида Ойзуҳрасининг ўлимини эшитиб “Бу кўргуликни кўргунимча қамоқда ўлиб кетганим минг марта яхши эди”, деган эди-ку? Сўнг Минор қабристонига борган, фарёд уриб, кўкрагини зах ерга бериб ётиб олган эди-ку? Тўрт йиллик уруш ваҳшатларига чидаган, қамоқ адолатсизликлари буколмаган қаддини шу айрилиқ букиб қўйган эди-ку? Қамоққа олишларидан олдин, 1950 йилнинг ёз чилласида бу қабристонга отаси Исмоилхўжани қўйган эди. Ойзуҳрасини бобоси ёнига қўйибдилар...

— Дадажон, кетайлик...

Қизиқ... рўпарасидаги оқ кўйлакли Ойзуҳра гапираётгани йўқ, фақат жилмайиб турибди. Овоз ҳам уники эмас. Уч ёшли қизалоқники... Ҳа... Ойзуҳра эмас, Маликахони чақиряпти.

...Аяси билан қамоқхонага борган эди ўшанда.

Тан азоблари билан муддаосига ета олмаган терговчи руҳ азобига ўтганди. Ўзича марҳамат қилиб, яқинлари билан учрашувга рухсат берганди. У кун аниқ эсида: эллик иккинчи йилнинг ўн олтинчи август куни эди. Бир неча дақиқалик дийдор кўришуви бир нафасда ўтгандек бўлди. Айниқса қизчаси отасининг дийдорига тўймади. Маликахон дадаси билан кўришувга келганда у билан бирга қайтишни умид қилганди. Унинг жажжи юраги шу бахтга эришишни истарди. Соқчи айрилиқ они етиб келганини билдиргач, қизча:

— Дадажон, бугун биз билан бирга уйга кетасизми? — деб сўради.

Кўланса ҳидли ва зах қамоқ хонасига қайтиш учун ўрнидан турган маҳбус бу саволни эшитди-ю қадам бошишга ҳоли қолмади. Жавоб қайтаришга қурби етмади.

Юрак-юрагини жизиллатган бу жонажон овозни — қушчаси сайрашини эшитгани ҳамон ялт этиб қизчасининг ақлли кўзларига тикилди; тикилди-ю уч ёшга тўлган кунида ўз қувончини отаси билан баҳам кўрмоққа келган маъсума кўзларида ҳасрат соясини кўрди. Юраги шув этиб кетди. Қизча онасидан отаси қўлига ўтмоқ, унинг қўлларида уйга кетмоқни истарди. Дилбандидан кўзларини узолмаётган ота, унга узоқ қараб турди. Ниҳоят, ота меҳри ва ардоғини кўрмаган гўдакнинг она қўлларида талпиниб айтган сўзларига:

— Сал кейинроқ бораман, жон қизим, — деб жавоб берди.

Шу он қизгинасининг ингичка қошлари бирдан чиририлди, умид тўла чарос кўзларига ғам тўлди, хайр адосила силкиб турган қўлчасини тортиб олди.

Қизгинаси кетди! Аммо хафа бўлиб кетди. Ким хафа қилди ҳали кетмон қанот бўлмаган бу қушчани? Ким уни ота меҳри ва ардогидан маҳрум қилди? Унинг ўзи сингари кичкина дугоналари оталарининг бўйинларига осилиб, ота қучоғи ва қўлларида яйраб-яшнар экан, унинг жўжасини ким бу бахтдан жудо қилди? Ахир ким унинг ширин ҳаётини заҳар қилди?

Бу саволларга аниқ жавоблар мавжуд, аммо тил изҳор этмоққа ожиз, “Ҳайҳот, мен, унинг ўз отаси, меннинг ўзим!” деб сассиз наъра тортмоқдан ўзга чораси йўқ эди.

Нажот борми эди ўшанда? Бор эди. Нажот йўлининг

номи хиёнат эди. Бу йўлни эслаши ҳамон тириклик билан хайрлашиш арафасида турган заиф вужудига титроқ кирди. Атрофидагилар буни жудоликдан нишона деб билиб, кўзларига ёш олдилар.

**Қамоқхона. 1952 йил, 16 август.**

Уни қаттиқ ўйлатган, ҳаяжонга солган ўша куни ҳар ким ўзига ярашган йўл билан кетди: болалари уйига, у эса турмага! Аммо Маликахони истехзо ва киноя билан берилгандек туюлган ўша ништарли саволи билан кўз ўнгидан сира кетмади.

“Қоронғи зулмат ва қўланса ҳидлар ичида шунчалар қолиб кетганинг етар! Бас!”

Бу овоз қамоқхонанинг тош деворларини жарангла-тиб юборди. Бу иблис даъвати ҳибсга олинган кунидан бери уни таъқиб этади. Терговчи истаган йўлга тушиб юришини истайди. Терговчининг истаги — миллатчи эканини тан олиш, миллатчи тўдаларни фош этиш. Миллатчи эканини тан олиши мураккаб масала эмас. “Ҳамонки, миллатчи экансан, демак, атрофингдаги маслакдошларинг ким, айт уларни”, деб талаб қиладилар. Сўнг ҳуфялари томонидан тақдим этилган номларни санайдилар: Фалончи, Писмадончи... уларни туҳмат чодирига ўраб бериши керак...

Лекин калтаклар зарбидан мўматалоқ бўлиб кетган бу танада ҳали ўлмаган виждон садоси ҳам мавжуд эди:

“Қилмаган жиноятларингга иқрор бўлсанг, дўстларинг бошига туҳмат жандасини илсанг ўзингга ҳам, болаларингга ҳам жабр қиласан, хонавайрон бўласан, то қиёматга қадар исноддан қутула олмайди авлодинг!”

Иродаси қанчалар мустаҳкам бўлмасин, вужуди нақадар азобларга бардошли бўлмасин барибир ҳақиқатни айтишга журъат қила олмас эди. Бу қўрқоқликдан эмасди, ҳақиқатни айтган тақдирда ҳам муддаога ета олмаслигига аминликда эди.

Унинг қаршисида икки йўл мавжуд, шу икки йўлдан бирини танлашга мажбур: ё бор бўлиб, шарафларга эришиши ё йўқ бўлиб, лаънатларга кўмилиши керак! Ёрқин эрта сари интилиб, бор бўлиб қолсинми ё қора кеча сари юз буриб, йўқ бўлиб кетсинми?

Ажабо, қайси бири шарафли?

Кундуз билан кечани, оқ билан қорани фарқлагани-

га кўп йиллар бўлган. Урушдан аввал қамалганидаёқ кўзи очилганди. Ҳақиқатни бўғиб турган газанда рўпарасида ожиз эканига ҳам ақли етганди ўшанди. Қамалмасидан илгари, газандага тиф санчмоқ қасдида қўлига найза олган дамларда миллатни эзаётганларни шафқатсиз янчиб, эзиб ташлашни, қоронғи зулмат ва қўланса ҳидлар салтанатидан ташқарига отилиб чиқишни, мунаввар замонга етишни орзу қилган эди.

Орзу ўша йиллар бўғилган бўлса-да, виждон кемирилишлардан, емирилишлардан қутилишни, соф ҳавони ҳанузга қадар истайди. У ўзини ҳамиша булғаб ётган кирлардан, бўғиб ётган оғир юклардан нажот истайди. Яшаш қобилиятини йўқотмаган, ўлмаган виждоннинг ҳаққоний овозини тинглашни талаб қилади кўнгли. Дам-бадам уйғониб, хиёнатга даъват этувчи кучни энг майда, кўзга кўринмас томирларигача бағридан юлиб олиб, ўз қўллари билан бўғиб, янчиб ташлашни, тишлари билан гажиб ўтга ташлашни хоҳлайди.

Нимқоронғи даҳлиздан терговга бориб-келаверганидан ўттиз икки қадам босгач, ертўла томон бурилишини, сўнг ўн сакиз зинани босиб пастга тушишини билди. Терговчининг зуғумларидан хаёлини чалғитиш учун қадамни ҳам, зинани ҳам санайверарди. Бўлмаса бунинг унга нима зарурати бор экан? Ҳозир эса санамеди... даҳлиз ғоятда узун туюлди. Ертўлага эмас, лаҳадга тушаётгандай вужуди музлади. Сўнг... қамоқхонанинг темир эшиги аввалига юракни эзадиган даражада ғижирлади, остона ҳатлаб ичкарига ўтгач, шиддат билан шарақлаб ёпилди. Унинг назарида темир эшик шарақламади, балки могор ҳиди анқиб турган бу зах бино тарс иккига ёрилиб, ажралиб, кейин шу заҳотиёқ уни ютиб юборгандай бўлди. Узунасига уч қадам, эни икки қадам келадиган нимқоронғи хонада ёлғиз қолгач, совқотаётгандай баданида титроқ турди. Аслида бу совуқ таъсиридаги тан титроғи эмас, балки руҳ титроғи эди.

У ичкарига икки қадам ташлаганича қотиб тураверди. Кўз олдини қора парда қоплаган, назарида оёқларидан жон буткул чиқиб кетгандай эди. У ўзи билмаган ҳолда чўка бошлади. Аввалига чўнқайди, сўнг чўккалади. Тиззалари музлагандай бўлди. Титроқ кучайди. Кейин...

Қоронғи хона бирдан ёришиб кетди. Шундай ёришдики, ҳатто кўзларига ҳеч нима кўринмай қолди. Назарида, қамоқхона томини икки ёнга суриб кўринган

қуёшга қараб кўзи қамашгандай эди. Ажаб, неча ойлардан бери қуёш нурини кўрмай, соғинган эди, энди эса қарай олмаяпти... Йўқ, бу қуёшнинг жонбахш нурлари эмас экан. Дам ўтмай хона қизара бошлади. Бирпасда қондек тўқ қизил тусга кирди-ю чайқала кетди. Қамоқхона бино эмас, балки улкан қон денгизида қалқиб турган кема эди унинг хаёлида. Мавжлар бора-бора пўртанага айланди. Тиз чўкканича қалтираётган бу одам ўроқ солинган буғдой поясидай шилт этиб ёнга қулади. Чаккаси бетонга тегиб, кўз олдини қоплаб турган қип-қизил қон денгизи энди қоп-қора зимистон чоҳга айланди. У зимистон чоҳга гўё учиб тушди. Қалтироқлари ҳам қолгандай, бадандаги зирқироқ оғриқ ҳам кўтарилгандай эди. У ўзини гўё енгил ҳис қилар, қушдай учарди.

Белига энли камар боғлаган назоратчи унинг жимиб қолганидан хавотирланиб, эшик туйнукчасини очиб қаради.

— Ие, Исмоилийнинг пачағи чиқибди-ку? Қизиқ, бугун тепки емади шекилли? — деди у шеригига ўгирилиб қараб.

Рангпар шериги ҳам қаради-да:

— Ўлмайди, ётаверсин. Ёзувчи зотининг жони қаттиқ бўлади. Урушдан олдин бунақаларни кўп кўрганман. Беш-олтитасини отишга ўзим олиб борганман. Чўлпон деганлари бўларди, ўз қўлларим билан учта ўқни кўкрагига қадаб қўйсам ҳам ўлмайди-я, баччағар! Командирим “мўлжаллаб отолмагансан”, деб сўкиб қолди. Тўртинчи ўқни пешонасига қададим. Ўлмас экан-а! Кўзларини юмишга ҳам улгурмай қолди. Кўзи очиклигича устига тупроқ тортвордик.

— Чўлпон дедингизми? Бунақалар исмни ҳам топиб қўяди-я? Буники Мирзакалонми?

— Ҳа, мирзаларнинг каттакони дегани. Ўзи кичкинагина бўлса ҳам даъвоси каттагинага ўхшайди.

— Отаси шунақа исм қўйганмикин ё ўзи ўйлаб топганмикин?

— Сен билан менга бунинг нима фарқи бор. Бошингни оғритма. Биз буйруқ бажарадиган одаммиз. “Ҳайда!” десалар ҳайдаймиз, “ўлдир!” десалар жонини суғуриб кафтига тутқазиб қўямиз.

Шундай деганларича нари кетдилар. Қадам товушлари акс-садо таратиб узоқлашди. Назоратчилар эшик та-



гида гаплашишган бўлса-да, уларнинг гаплари узоқ-узоқлардан келгандай туюлди. “Ўлдир!” деб буйруқ берилса бажонидил бажарувчи назоратчининг овози унга яхши таниш. Эҳтимол, юзларча овозлар ичидан ҳам ажратиб олар. Қайси бир куни шу назоратчи эшик даричасини қиялаб очиб: “Исмоилий, зап меҳрибон синглинг бор экан-да, қўй гўшти, қўй ёғидан сенга плов дамлаб келибди. Ҳиди нафсимизни қитиқлаб, ўзимиз паққос тушира қолдик. Бизни очкўз, деб орқамиздан сўкиб юрма. Сенга раҳмимиз келганидан шундай қилдик. Бу қамоқда пловга тўйган одам жонидан тўйган ҳисобланади, кўп яшамайди, уйингга хат-пат чиқарсанг, синглингга раҳмат айтиб қўй”, деган эди. Ўшанда маъсума синглисини кўз олдига келтириб, “Санобар, Сановбарим...” деганича йиғлаб юборганди. Етимлик хорлигидан қочиб, Тошкентга келганидан бери кичкинагина, нозиккина жуссасига тушган не-не турмуш азоблари юкини ортган синглисини кўргиси келганди. “Палов пишириб келибди... Тунлари билан дўппи тикиб ортгирганига харажат қилиб, беш боласининг ризқини қийиб, менга илиндими?” деб кўнгли ўксиганди.

Қадам товушлари узоқлашиб тинди. Энди жимжитлик даҳшати уни ўз чодирига ўраб, даҳшатга солди. Урушда эканида, айниқса, тонг чоғи чор-атрофни сукут қопларди. Ҳатто қушлар чуғури ҳам эшитилмасди. Бу сукунат ҳадемай жанг бошланажаги, ариқларда инсон қони оқажагининг даракчиси эди. У қанча ётганини билмайди. Жимжитликнинг нақадар даҳшат экани унга маълум бўлса-да, бу сафар қўрқди. Бир вақт синглисининг овозини эшитди:

— Ака, тура қолинг, шамоллаб қоласиз. Бугун Маликашоннинг туғилган куни-ку? Ҳаммамиз тўпланиб, сизни кутяпмиз. Кенжамга опалари янги шеър ёдлатишибди. “Тоғамга ўқиб бераман”, деб анчадан бери интиқ кутяпти...

У сесканиб, бошини кўтарди. Қулоқ тутди — синглиси бошқа гапирмади. У телба одам сингари атрофга аланглади: тўғрида темир каравот қорайиб турибди. Тепада хира чироқ. Бир томонда темир панжарали дарча. Бу хонага дастлаб кирганида шу дарча унга умид дарвозаси каби туюлган эди. Лекин қуёшга тескари бўлгани учун бу дарчадан офтоб нури тушмади, умиди эса сўнди.

У қаддини ростлади-да, музлаб қолаётган ўнг қўлини, ўнг биқинини силади. Мажолсиз оёқларини бир-бир судраб босиб каравотга бориб ўтирди. Бу қамоқхона ашёлари рўйхатида “кўрпа” деб шарафланган бир увадани олиб ўранди. Баданига сал иссиқлик югурди. Совуқ чекингач, энди очлик ҳуруж қилди.

Дарчадан тушиб турган заиф ёруғлик сўниб, шаҳарнинг шом қоронғилигига чўмганидан огоҳ этди. Тирикчилик ташвишларидан тинган шаҳар аҳли ором истагида, кўп эмас, озгинагина бахт илинжида уй-уйларида ўтирибди. Бировининг дастурхони атрофидаги қаторда хато йўқ, бироқ, бу тун кимнидир қамоққа олиб кетишлари мумкинлиги хавотири кезиб юради. Аллақанча хонадонлар қамоқхоналардаги яқинлари ташвишида хавотирли нафас оладилар.

Унинг хонадони ҳам шундай...

Салкам икки йилдан бери аҳвол шу...

Фарзандларини соғинади, ҳатто Дархондаги боғида мевалари фарқ пишган дарахтларни ҳам соғинади. Дарахтларнинг аксарини дадаси эккан эди. Дарахтларнинг баргларига қараса, ҳар бирида дадасининг чехраси кўрингандай бўлаверади. Урушда эканида ҳам шундай эди. Лекин ундаги соғинч туйғуси ўзгача эди. Ундан душман ўқидан омон қолиб, уйига эсон-омон қайтишига умид бор эди. Урушдан тирик қайтиб, уйда бир соатгина бўлса-да, тинч яшашни орзу қиларди. Бунда эса...

*Неча йилдир зор-афғон бирла ўтмоқда туним,  
Этмайин комимга асло тун қора бўлди куним.  
Минг жафо бирлан эзиб қалбимни, тўкдилар хуним,  
Не қора даврон экан бу, тингламас ҳеч ким уним!  
Хору зорлик топдим, хўрлик адосин топмадим...*

Кечагина хаёлида тугилиб, хотирасига муҳрланган, қоғозга тушишини яна йиллаб кутадиган бу сатрлар лабларидан беихтиёр учди. Ҳибсга олингунга қадар бир роман ёзишни бошлаш орзусида эди. Ўзини қамоққа олдилару ниятини занжирбанд этолмадилар. Кўлида қоғоз-қалам бўлмагани учун роман сатрлари хотирасига ёзиларди...

Кечки таомни беришмади. Бермаганлари ҳам маъқул бўлди. Алҳол, бир тишлам таом томоғидан ўтмайди. Тахмини бўйича тун яримлаганда сўроққа чақирилди.

Терговчи хонасига кириши билан девордаги осма соатга қаради: адашмабди — тун ярмидан оғибди.

— Қизингни кўрдингми, жуда ширин экан, Германияда туғилганми? — деди қошу кипригигача малла терговчи.

Қизчанинг Тошкентда туғилганини у яхши биларди. Гапни Германия томон буриши эса бежиз эмас, шу баҳонада бир қармоқ ташлаб, шу пайтга қадар номаълум бўлган қандайдир маълумотни илинтиришга умидвор эди. Неча ойлар давомида унинг бу қилиғига тушуниб қолган маҳбус найрангни англамагандай соддалик билан:

— Тошкентда туғилган, — деб қўйди.

— Ҳа-я, мен адаштирибман. Германиядаги қизинг эсэсчининг ташлаб кетган хотинидан туғилганмиди? Исми нима эди? Эрикамиди ё Моникамиди?

— Германияда хотиним йўқ эди. Ғалабадан кейин Берлинга оиламни олиб бориб яшаганман.

— Буни биламан. Лекин...ҳа, майли, кўнгил дегани ёмон-да! Ўшанда Берлинда Марийка деган офатижон кўшиқчи бўларди. Қизингнинг исмини ўшанинг шарафига қўйганмисан? Газандаларнинг санъатига шунчалик ишқибозмидинг?

— Қизимнинг исми Марийка эмас, Маликахон. Берлин қаердалигини билмайдиганлар ҳам қизларига шунақа чиройли исм қўядилар.

— Менга ақл ўргатяпсанми? Подшонинг хотинини “малика” дейишганини билмайдиган аҳмоққа ўхшайманми? Сен эса...подшолик замонини қўмсаётганингни тан олиб қўя қол.

Янги айб сиртмоғи тасодифан ясалдимми ё олдиндан тайёрлаб қўйилганмиди, англай олмади. Бу каби қалтис саволларга жавоб бермаслик ризолик аломати сифатида ҳужжатларда қайд этилишини билгани учун ҳам жим туrolмади:

— Менда ҳеч қачон бундай фикр бўлмаган.

— Фикр бўлмаслиги мумкин, лекин истак ва хоҳиш мавжудлиги аниқ. Кўзон мухторияти учун жон беришга тайёр Абдулҳамид Чўлпон устозинг эмасмиди? Наҳот, гояларини сен билан баҳам кўрмаган бўлса?

— Биз бу ҳақда гаплашмаганмиз. Гаплашганимизда ҳам мен хонликни тиклашга қарши фикр айтган бўлар-

дим. Етимлик жабрини тотган одам подшолик нонини қўмсай олмайди ҳеч қачон.

— Етимхонада ўсганинг сени бу ишда маълум балолардан сақлаб қолиши мумкин. Сен айёрсан, Исмоилий, буни яхши биласан, ҳар сафар менга рўпара бўлганигда буни таъкидлайсан. Тўғри, сенга “бойнинг боласи”, деган айбни қўя олмаймиз. Лекин...амакингнинг Украинага кулоқ қилинганини ҳам эътибордан соқит қилмаймиз. Сенинг етимхонада тарбия топганинг тарозунинг бир палласига, бу далил эса иккинчи палласига қўйилса, қай томони босиб кетади, билмайсанми? Етимхонада ўсган бўлсанг, етимликнинг аччиқ қисмати сенга маълум бўлса, нима учун фарзандларингни бу балога ўзинг рўпара қиляпсан? Эртами-индинми хотининг ҳам қамалса, болаларинг қаерда сарғайишади?

Қисматида шундай азоб бўлиши мумкинлигини кўнгли сезаётганди. Аммо хотинининг сиёсат у ёқда турсин, адабий жараён ишларига ҳам фарқсизлиги, ҳеч бир ишларга, йигинларга аралашмаслиги унинг кўнглини хотиржам қилиб турарди. Терговчининг ҳозирги гапи қалбини тилиб-тилиб ташлагандай бўлди. Айбсиз ва муштипар бир аёлни тухмат занжирига ўраб ташлаш булар учун ғоят осон иш эканини билмаганида бу таҳдидга аҳамият бермаса бўларди. “Хотинингни қамашимиз мумкин”, дедими, демак, қайтмайди бу разилликдан. Аҳдида туриб Зухраҳонини қамаган тақдирда болалари кўчада қолмайди, етимхонада ҳам сарғаймайди. Санобари ўзининг беш боласи қаторига олти жиянини қўшиб, ўзи емаса ҳам едиради уларга, киймаса ҳам кийдиради. Бу жиҳатдан унинг кўнгли тўқ. Аммо буни тилга кўчира олмайди. Агар синглисидан умидвор эканини бу малла терговчи сезиб қолса муштипар Санобарнинг пайига ҳам тушиши ҳеч гап эмас.

Унинг ўйланиб қолганини кўрган терговчи буни яхшиликка йўйиб, энди юмшоқроқ оҳангга кўчди:

— Исмоилий, сен бошқаларга ўхшаган жоҳил эмасан. Толстойни таржима қилган одамсан. Толстойни билган одамнинг дунёқараши бой бўлади. Сен ўзингни қийнама. Мен сезиб турибман, ҳақиқатларни англагинг келяпти-ку, лекин юрагингда кулча бўлиб ётган миллатчилик газандаси ўз қора гавдаси билан тўсқинлик қилиб онгингни хиралаштиряпти. Душман тегирмонига сув қуяётганингни сезмаяпсан. Ўзбекистонни севишингни

айтяпсан. Хўп, мен бу туйгуларингга ишонай, лекин доллар Америкасининг итялоғи Вали Қаюмхонни унутолмаслигининг ҳам биламан. Агар унга муҳаббатинг бўлмаганида суратини Берлиндан олиб келиб, уйингда сақламас эдинг. Кеча Гитлернинг ялогидан ювинди ичган одам бугун Труменга ялтоқланиб, сенга қандай озодлик бериши мумкин? Эронга ёки Ҳиндистонга ўхшаган харобазорга айлантиради, бошқача бўлиши мумкин эмас!

Бунга ўхшаган гапларга унинг тоқати йўқ эди. Шу боис эгик бошини кўтариб, хазин овозда:

— Нима қилишим керак? — деб сўради.

— Бу саволни биринчи учрашувимизда сўрашинг керак эди. Ҳақиқатни англашинг учун жуда узун кунларни сарфладим. Агар астойдил сўраётган бўлсанг айтаман: кундуз билан кечани, оқ билан қорани фарқ қилиш пайтинг келди. Ё миллатчилик газандасини ардоқлаб шарафсиз курашда йўқ бўлиб кетасан ё бўлмаса у газандани ўзингда ва ўзингдан ташқарида шафқатсиз янчиб, эзиб ташлайсану озодликка чиқасан. Болаларинг бағрига борасан.

Озодлик ҳавоси... Кўксига ҳамиша қуёш чарақлаб турган ёруғ дунёга, чаман гуллар атри буркаб турган ҳаётбахш сарин сабоҳга чиқиш — янгидан туғилиш демак! Бор бўлиб қолиш демак! Ким истамайди бу саодатни?

Лекин бу саодат ниманинг эвазига насиб этаркин?..

— Қароринг қатъийми?

У ҳеч қандай қарор қабул қилмаган, ваъда ҳам бермаган эди. Терговчи нимани назарда тутяпти? “Ҳа, мен миллатчиман! Ҳа, мен халқ душманман!” деб ёзиб берса кифоями? Шу фикр оғушида бош силкиб, тасдиқ ишорасини қилди.

— Исмоилий, бир нарсани тушун: йигирма беш йиллик озодлигининг ўзинг топтамоқчи бўляпсан. Агар бунга англаб етган бўлсанг, тамом, миллатчилик ғояларинг билан ҳатто бир лаҳза ҳам кўришмайдиган душман бўлишинг керак. Сенинг бугунги аҳдинг, қароринг ўзгармас аҳд, ўзгармас қарор — қатъий қарор бўлиши шарт! Олти болангнинг номини тилга олиб қасам ичишинг керак.

Қасам ичиш... Яна олти болани ўртага қўйиб-а?! Қандай қасам бу? Қайси дўстларимга хиёнат қилишим керак бўлади?

— Нима дейишим керак? — деб сўради хаста овозда.

— Демайсан, ёзиб берасан. Гапларимни диққат билан эшитиб хонангга қайтасан-да, эрталабга қадар ёзиб, менга топширасан. Келишдикми?

У яна овоз чиқармай тасдиқ ишорасини қилди. Терговчи укки кўзларини унга тикканича дона-дона қилиб гапира бошлади:

— Жонажон Ватаним олдида, шонли совет халқим олдида, гуноҳсиз болаларим олдида қилган ўз жиноятларимни, шунингдек, бошқаларнинг менга маълум бўлган жиноятларини катта-кичиклигига қарамай, оқизмай-томизмай, заррача ҳам қолдирмай, бир-бир айтиб берман. Мен чин қалбимдан истайманки, мени тоғ вазни-ла босиб ётган жиноятларим елкамдан қуласин, қаддим ростлансин, миллатчилик каби энг қабиҳ мараздан вужудим софлансин, токи умримнинг қолганини социалистик Ватанимга, совет халқимга охиригача садоқат ва муҳаббат билан қувона-қувона хизмат этишга бағишлай! Шунинг учун мен сизни, Александр Александрович, сиз орқали Давлат хавфсизлик органларини ишонтириб айтманки, баданда пайдо бўлган рақни кўринган ерида кесиб ташлаш билан шифолаш мумкин бўлганидек, лаънати миллатчилик газандасидан ҳам даставвал шу ерда, Давлат хавфсизлиги органида, барча жиноятларга иқроор бўлиш, барча саволларга тўғри ва асосли жавоб бериш билан, миллатчиликка қарши ғазабли ва амалий кураш очиш билан қутилиш мумкин. Мен шундай қилажакман!

Терговчи бошқаларга ҳам шундай қасамёд ёздирганиди, ҳар ҳолда гапларида тугилмади. Бошини эгганича тинглаётган маҳбусдан кўзини олмай ундан садо кутди.

Мирзакалон ҳозир гўё бошқа оламга кўчган эди. Терговчи шармандали қасамёд матнини айтиш билан гўё уни иснод ботқоғига ташлаб, бўға бошлаган эди. “Ҳа” дейишга ҳам, “йўқ” дейишга ҳам қурби етмай қолганди.

— Сен истейдодли ёзувчисан. Қолган-қутганини ўзингдан қўш. Шундай ёзгинки, менинг раҳбарларим ҳам қойил қолишсин.

Шундай деб қоғоз-қалам узатгач, назоратчини чақирди.

Қандай ёзсин буни? Кўз ёшларини тўкиб ёзсинми ё қон ёшлариними?

Фикр-уйлари ўжарми, қалби ўжарми? Ёки уларга бўйсуниб ёзиши лозим бўлган қўли ўжарми?

Вақт ўтяпти. Тонгда қасамёд матнини терговчига топшириши, сўнг шу аҳдга кўра хиёнатини бошлаши керак. Бу балки унга берилган сўнгги имтиёздир? Эрта-лабга қадар қасамёдини ёзиб бермаса, пешинга қолмай хотинини ҳибсга оларлар?..

Темир каравотга, увада кўрпа устига эмас, зах бетонга бағрини бериб ётиб олди.

Бир маҳал миясини хайрли фикр ёритиб ўтди-ю, қалдини кўтарди. “Қасамёдни эмас, бошимдан ўтганларни ёзаман. Бу ерларда ўлиб кетсам, қачонлардир авлодларимдан бири топиб ўқийди, менинг азобларимдан хабар топади”, деб ўйлади.

### ОҲ, У ЕТИМЛИК...

Бу қарори барча ўжарликларини чекинтирди. Қасамёд ёзиши лозим бўлган қоғозда дастлабки сатрлар пайдо бўлди:

*“Ўш. Етимхона. Эс-эс билишмча, онадан уч ё тўрт ёшимда етимча қолдим. Онам қашшоқлик азобиغا ва раҳмсиз эр зулмига чидаш бермай, ёш ўлиб кетди. Мен, холамларнинг айтишларига кўра, Ўшда туғилган эканман. Отам Ўшга яқин бўлган Булоқбоши қишлоғида деҳқончилик қилар эдилар. Ун бир ёшимга қадар ўғай она ва меҳрсиз ота тепкисини еб ўсдим ва йигирманчи йилда юз-қўлларим кир, уст-бошим йиртиқ, ўзим хароб ва битлиқ ҳолда уйдан қочиб, Ўшга келдим-да, етимхонага кириб олдим...”*

“Раҳмсиз эр”, “меҳрсиз ота” сўзларини ёзаётганида қўллари бир титраб олди. Тўғри, раҳматли отасида бераҳмлиқ илллати мавжуд эди. Аммо ҳар на қилса ҳам Исмоилхўжа отаси эди. Ҳазрат Навоийнинг “Муншаот”идаги бир тўртлик ёдида қолган эди:

*Атодин хато келса кўрма хато,  
Савоб бил хато қилса доғи ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутқарғай Худо...*

Бу ҳикматни ҳамиша дилида сақлади. Отадан кўрган зулми учун ҳеч қачон маломат қилмади. Отасининг гўри совумасдан туриб у қора кунларни эслаши ичини ёндирди. Аммо на илож, укаси қулоқ қилинган одамни яхшилик билан тилга олиши уларга яна бир янги айб сиртмоғи ясашга баҳона бўлуви мумкин эди. Аслида уйдан қочишига фақатгина отасининг бераҳмлиги сабаб бўлмаганди. Асосий мақсад — ўқиш, илм олиш эди. Агар отасининг калтақларидан безиб Булоқбошидан Ўшга қочиб борса, холалари уйдан паноҳ топиб яшайверган бўларди. Синглисини ҳам олиб келарди. Лекин бу ерда яшаб билим олиши мушкулроқ эди...

Нимқоронғи қамоқхонада титроқ кўллари билан қаламни маҳкам ушлаганича шуларни ўйлаб юрак-юракдан Худога ёлбориб тавба қилди. Отасининг руҳидан ҳам узр сўради-да давом этди:

*“Етимхонада мени дарҳол чўмилтирдилар, эғнимга тоза кўйлак, оёқларимга мен умримда кўрмаган чиройли ботинка бердилар. Мен энди ўғай онанинг бураш ва қарғишларидан, қашшоқ ва хасис отанинг бир туртиб бир бурда нон беришларидан қутилиб, деразалари катта, ёруғ, иссиқ ва тоза уйда, ўзим каби кичкина ва бахтиёр болалар қаторида, яйраб-яшнаб, янгича ҳаёт кечира бошладим. Мен ёш ва саводсиз эдим. Ўқиш-ёзишни шу ерда, етимхонада ўргандим. У вақт шаҳарда Совет ҳокимияти мавжуд бўлса-да, ҳали у ёш, кучсиз эди. Теварак-атрофда қайнашган босмачилар тез-тез шаҳарга бостириб киришар, совет ходимларини, янгилик тарафдорларини тутиб ўлдиришар эдилар...”*

У китоблар, газет-журналларда ёзилавериш одат бўлиб қолган гапларни қоғозга беихтиёр тушира бошлаган эди. Миллат озодлиги учун жон фидо қилган ўғлонларни “босмачи” деб аташ нақадар адолатсиз эканини қамоққа тушмасидан аввал ҳам яхши биларди. Бирон-бир мақоласида ўша дамлар воқеалари тилга олиниши шарт бўлса, бу шармандали атамани ёзишдан ўзини тийишга ҳаракат қиларди. Ҳозир эса... шароит бошқа. Бу сатрлар неча йиллардан сўнг авлодлар назарига тушса, аҳволни ҳис қилиб тушунишар, айбини кечиришар. Авлодлар кечирса, Худо ҳам кечиради... Шу илинж унга далда берди.

Аслида эса... ҳозиргина ёзган ваҳшийликларга ўзи гу-



воҳ бўлмаган. Гувоҳ бўлгани воқеа ўзгача, уни ёзмоқ лунжини шишириб чақмоққа шай бўлиб турган илонга тайёр емиш бўлиш билан баробар эди.

Етимхоналарига кириб келган одамни эл орасида “Амиралмуслимин Муҳаммад Амин Бек” деб ардоқлашарди. Бу одам қаерга борса осойишталик қарор топар, чиқиб кетгач, бесаранжомлик, талон-тарож бошланарди. Унинг ўша кеча оқшом кириб келгани ҳақидаги хабардан шўролар етимхонасининг тарбиячиларидан тортиб, болаларгача эшитишган эди. Шу боис унинг кириб келиши, айниқса тарбиячиларга, тасодифий ҳол бўлмади. Бу кишининг аввал ҳам келганини Мирзакалон кейинроқ ўртоқларидан эшитиб билди. Ўша куни эса... Кўчада оқ отидан тушиб, етимхона ҳовлисига кириб келган, эгнига ҳарбийча кийим кийган хушрўй кишига ажабланиб қаради. Кейин унинг ёнидаги кишини таниди: Холхўжа! Дадасининг улфати. Кўрди-ю, чўчиб тушди. Холхўжа ҳам Мирзакалонни кўрди, таниди, аммо “Нима учун сен бу ерда юрибсан?” демади. Тарбиячилар болаларни бир сафга тиздилар. Мирзакалондан аввалроқ бу ерга келган болалардан бир нечаси тарбиячилари ўргатган, шўроларни мақтовчи шеърларни ёдлаб бердилар. Амиралмуслимин қошларини чимирса ҳам индамай эшитди. Болалардан иккитаси туркча ашула айтишганда ҳам ундан садо чиқмади. Мирзакалон унинг бу ҳолатини ўша онда англамаган эди. Буни анча кейин тушуниб етди. Ўшанда амиралмуслимин болаларга қараб туриб:

— Жонимиз фидо бўлсин, сизларга! — деди. Кейин насиҳат қилди: — Бу кунлар ўтиб кетади. Сизлар ҳеч нарсага қарамай ўқинглар. Фақат ўқинглар. Миллатимиз қаддини биз қилич билан кўтара олмаймиз. Сизлар илм билан кўтаришинглар керак. Тарихни ўқинг-да, ибрат олинг: кучли давлатларни илмсизлик барбод этган. Илмсизлик бизнинг миллатимиз қаддини эгиб қўйган. Бир соатлик илм ўрганиш бир кечалик нафл ибодатидан, бир кунлик дарс уч ойлик нафл рўзасидан афзаллигини Пайғамбаримиз алайҳиссалом айтганлар. Илм олаётган талаба учун ҳамма нарса — ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб, истиғфор айтади. Бу дунёдаги илмдан бошқаси — саватдаги сувнинг ўзи эканини шу ерда англаб етинг. Кимки ҳаёти шамини илм нури билан ёқа олса ҳаёти асрлар бўйи сўнмайди. Бизнинг боболаримиз шундай бўлишган...

Нимқоронғи қамоқ хонасида ўтирган Мирзакалон алҳол бу гапларни шунчаки эсламади. Назарида амирал-муслиминнинг жарангдор овози бу совуқ тошларга урилиб акс-садо бергандай бўлди. Юраги эзилди. Бу гапларни ёза олмайди. Бу тарих заррасини ўзи билан олиб кетадими?

*Кишан, гавдамдаги излар букун ҳам битгани йўқдир!  
Темир бармоқларингнинг доғи буткул кетгани йўқдир.  
На мудҳиш, на совуқ-манхус, на қизганмас қучоғинг бор!  
Башар тарихининг ҳар саҳфасида қонли доғинг бор!*

Якка ҳолда азобли туну кунларни ўтказишга мўлжалланган бу қамоқ хонасида ёлғизликни енгишнинг бирдан-бир йўли тотлими ё нохушми, қандай бўлса бўлсин, хотиралар билан ошно тутинишдир. Ойлар давомида Мирзакалон бунга кўниккан. Қалби нимта-нимта бўлиб кетай деганда баъзан кўз олдига устози келади. Баъзан эса унинг жарангдор, шиддатли овози қулоқлари остида жаранглайди. Ҳозир ҳам шу такрорланди — шоирнинг овози етимхона таассуротларини сал нари сургандай бўлди:

*Юмилмас кўзларингнинг ҳар бири бир элни қаҳр айлар,  
Фақат бир борлигингдирким, бутун борлиқни захр айлар!  
Қулф бирлан сенинг эркингда кўп йиллар қолиб кетдим...  
Фақат ҳар тебранишдан қутулишликни умид этдим.*

Оҳ, умид...умид... Бунчалар бевафо бўлмаса! Юракни алдашни бунчалар суймаса!

*Кишан, гавдадаги доғинг ҳануз битгани йўқдир,  
Фақат буткул қутулмоққа умидим энди ортиқдир!..*

Кишанланган умид устозни не куйга солди? Унинг ўзини қайга бошлайди? Бу ёзувлари умидига қувват бера оладими ё турмада шарафсиз ўлим топганлар қаторида тарихнинг унут сатрларига айланадими?

Йўқ! Бундай бўлмаслиги керак! Уни миллатчиликда айблашди. Сўзнинг маъносини дуруст англамаганликлари учун унга ва ўнларча зиё аҳлига шундай даъво қилишяпти. Ҳолбуки, миллати учун жуда кўп хизмат қилган одам ижобий маънода “миллатчи” саналади. Узга

миллатни лаънатлайдиган тоифа эса буткул бошқадир. Ундайлар чиндан ҳам лаънатга лойиқдир. Мирзакалон ўзини бундай тоифада кўрмайди, алҳол миллатимга етарли хизмат қила олмадим, деб ўкинади. Бир қараганда қирқ икки йиллик умрда кўп хизмат қилиш мумкин эмасдай туюлади. Аслида эса оламжаҳон ишларни амалга ошириш ҳам мумкин. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон шундай эмасмидилар? Ажаб, улар ҳам шу ёшда қамоқхонада ўтирган эдилар. Тахминан шу ёшда тарихнинг шарафли саҳифасига айланган эдилар. Ҳа, ҳа, айнан шарафли саҳифаси! Тўғри, бу кунларда уларнинг номларини тилга олишга қўрқяптилар. Аммо қоронғи кунларнинг ҳам охири бўлади-ку?

Шу каби фикрларга бир оз чалгигач, у хаёлини йиғиб олди-да, яна қоғоз устига эгилди, терговчининг кўнглига ёқадиган тарзда давом этди:

*“...Бу ҳол одатга кириб қолган эканми, билмадим, муаллимларимиз босмачиларнинг бу хил ваҳшийликларини қораламас, сира пинакларини бузмас эдилар. Уларнинг эртаю кеч қиладиган ишлари етимларга турк ашулаларини ўргатишдан ва туркча команда бериб бизни машқ қилдиришдан иборат бўлар эди. Бизга “Санжоғимиз”, “Чаноққалъа” каби турк ашулаларини ўргатганлари эсимда.*

*Етимхонага баъзан Тулу афанди билан Шаҳидий афанди деган икки зот келар эди. Буларнинг биринчиси ўшлик миллатчилардан бўлса, иккинчиси асир тушган турк зобити эди. Шаҳидий афанди муаллимлар, тарбиячилар ва катта ёшли болалар билан Туркия ҳақида, турк аскарларининг довураклиги ҳақида, бизларнинг ҳам “турк жуужуқлари” эканимиз ҳақида суҳбат ўтказарди. Мен кичик ёш бўлганим учун улар даврасига кирмас, агар гапларини эшитсам ҳам барибир, тушунмас эдим.*

*Етимхонада икки йил тарбияландим, хат-саводим чиқди, оқу қарога озми-кўпми тушунадиган бўлдим. Иззат Султонов билан шу ерда танишдим, у ҳам етимхонада тарбияланар эди.*

*1922 йил келди. Мени шу йили Тошкентга, Ўлка ўзбек эрлар билим юртига ўқишга юбордилар...”*

Жумлага нуқта қўйиб яна ўйланиб қолди: Тулу ва Шаҳидий афандилар номларини зикр этиши тўғри бўлдимми ё нотўғрими? Шаҳидий афандининг Туркияга қайтиб кетганини, Тулу афандининг эса Мунаввар қорилар сафида қамоққа олинганини эшитган эди. Де-

мак, уларга бу идора зулм ўткази олмайди. Демак, бу ўринда сотқинлик йўқ.

Афандиларнинг суҳбатларини эшитганида чиндан ҳам кўп нарсаларни тушунмас эди. “Санжоғимиз”да нима учун Туркия байроғини шарафлаётганини ҳам англамасди. Бир куни тарбиячисидан “Чаноққалъа”нинг маъносини сўраганида “Туркиянинг Чаноққалъа деган жойида катта уруш бўлган, дунёнинг барча мамлакатларидан борган ёшлар кофирларга қарши урушишган. Икки юз мингдан ошиқ ёш йигит шаҳид бўлган. Тулу афанди билан Шаҳидий афандилар ўша жангларнинг шарафли қаҳрамонларидан саналади”, деб тушунтирган эди.

\* \* \*

Тонг отиб, уни яна терговга чорладилар. Терговчи ниятига етган хушнуд одам чехраси билан уни қаршилади. Мирзакалон узатган қоғозни олиб, дастлабки сатрларга кўз ташлади-ю, юзини буриштирди:

— Яна етимхонами? Бундан бошқа гапинг йўқми? Менга нималарни ёзиб келдинг?

— Александр Александрович, илтимос, охиригача ўқинг. Икки қатордан иборат тавбани ёзишим қийин эмас. Лекин тунда берган топшириғингиздаги “ўз жиноятларимни, шунингдек, бошқаларнинг менга маълум бўлган жиноятларини катта-кичиклигига қарамай, оқизмай-томизмай, заррача ҳам қолдирмай, бир-бир айтиб бераман”, деган таъкидингиз менга жуда маъқул бўлди. Агар топшириғингизни бекор қилмасангиз, мен шу услубда батартиб давом этсам. Миллатчилик газандасига қачон ва қандай қилиб бўйин эгиб қолганимни ўзим ҳам тушуниб етишим керак.

Терговчи бу гапни эшитиб, унга тикилиб қаради-да, бош чайқади:

— Айёрсан, Исмоилий, жуда-жуда айёрсан. Вақтни чўзиб фойда топмоқчимисан? Яхши, камерада узоқроқ ёлғиз ўтиргинг келаётган бўлса, ўтиравер. Мен шошилмайман, — деб яна қоғозга кўз югуртирди. Баённи охиригача ўқигач, қоғозни икки буклаб, столи устига ташлади.

— Ҳеч қандай янгилик йўқ! Менга ўттиз йил олдинги турк афандиларингнинг кераги йўқ! Султоновинг ҳам

керакмас. Менга устозингни гапир, унинг ўзингга ўхшаган издошларини айт.

Терговчи ўрнидан туриб, асабий равишда хона бўйлаб юра бошлади. Бундай юришларнинг оқибати калтак зарби бўларди. Бу сафар ҳам Мирзакалон унинг мушт туширишини ёки тепиб қолишини кутди. Айниқса орқа томонига ўтганида гарданидан зарба ейишга шай турди. Терговчи урмади. Дераза яқинига бориб, тонгни кутиб олаётгандай ташқарига узоқ тикилди. Сўнг назоратчини чақирди. Мирзакалон ўрнидан туриб, қўлларини орқага қилганда “Менинг сабр-тоқатим чегарасининг нақадар мустаҳамлигини синаб кўришга уринма”, деб кўйди.

Қамоқ хонасига қайтиб, увада кўрпа устига чўзилиб ётганда эшик дарчаси очилиб, унга бир даста қоғоз узатдилар. Терговчининг бу марҳаматидан ажабланди: ўз истагингча ёзсанг ёзавер, дедими ё ўзи истаган тавбани ёзиб беришини талаб қилдими? Мирзакалон қанча ўйланмасин, терговчининг хоҳишини англай олмади. Охири, хотираларини қоғозга туширишни давом эттирмоққа аҳд қилиб, қўлига қалам олди. Тунда ухламаган бўлса-да, уйқуси келмади... Хаёлидаги гапларни қоғозга туширишга дарров кириша олмади. Чунки билим юртида унга оқу қорани ажратишни ўргатган устозларнинг аксари бу идоранинг ҳукми билан ўлдирилган бўлсаларда, то ҳануз қора рўйхатда турардилар. Булар ҳақда илиқроқ гап айтишнинг сира имкони йўқ эди. Аммо уларни устоз сифатида тилга олмасликнинг иложи ҳам йўқ эди. Ўйлай-ўйлай, йигирманчи-ўттизинчи йиллар матбуоти бу шарафли зотларни қандай айблаган бўлса, ўшаларнинг тили билан зикр этишни лозим топиб, уларнинг пок руҳлари қаршисида яна бир тавба қилди-ю, ёза кетди:

### **“МИЛЛАТЧИЛИК БЕШИГИ”**

*“Тошкент, билим юрти. Мен билим юртида олти йил ўқиб, уни 1928 йилда битирдим. Бу йиллар натижа эътибори билан ҳаётимда аччиқ, қуйқим қолдириб кетди. Мен ҳали ёш, гўр эдим. Теварагимда кўрган нарсаларимга танқид кўзи билан қарашни билмас, мен уларни тайёр ҳолича, борица қабул қилар эдим. Теварагимда эса Абдулла*

*Авлоний, Қайюм Рамазон, Собир Қодирий, Носир Саидий, Олим қори Усмонов каби ашаддий миллатчилар бор эдилар...*

Бу зотларни “миллатчи” атамасининг асл ижобий маъносида, миллат равнақи учун астойдил хизмат қилганлар сифатида зикр этиб, кўнгли бир оз таскин топди. Майли, терговчи ўз истагича талқин этаверсин, аммо бу зотлар миллат учун кўп хизматлар қилган эдилар. Айниқса, Абдулла Авлоний... Тошкент жадидларининг пешқадамларидан. Жадидлар миллат жаҳолатидан йиғлар эдилар. Миллатнинг хорлигини фақат ва фақат илм-сизлик балосида деб билардилар:

*Маризинг бир тарафдин, бир тарафдин хорсан миллат,  
Бадандин қон олдирғувчи беморсан миллат...*

Абдулла Авлоний бу сатрларни кўз ёшлари билан ёзган дамларида Мирзакалон ҳали туғилмаган эди. Шоирнинг доврўғини етимхонада эшитган, унинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ёрдамида савод чиқарган эди. Тошкентга келиб, билим юртида бу зотдан таҳсил олишини эшитганда нақадар қувонган эди! Мулойим табиатли, чўққисоқол, юзидан нур ёғилиб турувчи бу муаллимни ҳамма яхши кўрарди. Айниқса нафис адабиётга меҳри баланд бўлган Мирзакалон унинг дарсларини орзиқиб кутарди. Ўша йиллари шеърятда “футуризм” номи билан туғилган янги оқимга тушунмай савол сўраганида “Бу оқим Италияда туғилиб, Овруро томонларда довдирай-совдирай, сўнг биз томонларга адашиб келиб қолган. Олтойнинг шеърларини ўқисангиз, бас, ўша ижод футуризм самараси”, деди. Мирзакалон “Тирр...-тиррр... келаётир... трактор...” деб зинапоя усулда ёзилган шеърларни ўқиган, бироқ, маъносига, айниқса, шоирнинг мақсадига тушунмаган эди. Яна бир дарсда бу хусусда сўраганда устоз унинг қўлига китоб бериб, “ўқинг”, деди. Мирзакалон ўқиди, ажабланиб, кўзларини пирпиратганича устозига қараб тураверди.

— Яна тушунмадингизми?— деди устоз мийиғида кулиб.

— Устоз, сиз менга шеър ўқитмадингиз, китобнинг мундарижасини ўқитдингиз-ку?

— Ҳа, балли, футурист шоирларнинг шеърлари худ-

ди шунга ўхшаш, сарлавҳаси бор-у, маъноси йўқ. Сарлавҳасига қараб маъносини ўзингиз топиб олишингиз керак. Ҳазрат Навоийдек шоирлари бор миллат учун бу шеър усули шармандали бир ҳолдир...

Шундай донишманд ва беозор одамнинг ҳам номини тилга олиш мумкинмас. Қодирий, Чўлпон, Фитрат устозлар-ку, бу золим идоранинг ҳукми билан отилган эдилар. Ўз вақтида “қизил профессор” деган ном билан шарафланган, сўнг советларнинг найрангли сиёсатини англаб, четга чиққан Абдулла Авлоний Сталиннинг ажал тиғи кўзғалмасидан илгари хасталикка чалиниб, вафот этганди. Агар ўттиз еттинчи йилда тирик бўлганида биринчилардан бўлиб бу тиғга рўбарў бўлиши аниқ эди. Ўлиб ҳам қутилмовди бечора, номи барибир қора рўйхатга киритилди. Оиласига берилаётган нафақа бекор қилинди...

“Бугун “қора рўйхат” деб англаётганимиз, эртага авлодлар томонидан олтидан афзал, деб эъзозланса, не ажаб?” — хаёлига келган бу фикрдан мамнун бўлган Мирзакалон ёзишда давом этди:

*“Миллатчилар илҳомчиси ва уларнинг содиқ жарчиси Чўлпон, Боту, Фитрат, Абдулла Қодирий, Шокир Сулаймон, Элбек ва бошқаларнинг китоблари ҳамиша қўлларда, тилларда эди. Уларда талқин этилган фикрларнинг асл маъноларига ва замирида кўзланган мақсадларга у вақт ўзимда бўлган заиф онг ва саёз билим билан лозимий қадар тушуна олмасам-да, уларни ўқир экан, завқланмас эдим, дея олмайман, зеро, атрофимда кўриб ва эшитиб турганларим, умуман билим юртини ўраб турган муҳит китоб саҳифларидан кам фарқ қилар эди. Мен буни кейинча, Билим юртини битирганимдан анча кейин, очиқ-ойдин тушундим. Натижада мен ҳам ашаддий миллатчилар: Собир Қодирий, Носир Саидий, Олим қори Усмонов каби директорлар, Қажум Рамазон, Абдулла Авлоний, Нуриддин Худоёрхонов каби муаллимлар тебратган миллатчилар бешигида тарбияланганлардан бири бўлиб чиқдим. Мен энди Билим юртида бўлиб ўтган воқеаларни ва уларнинг менга қанчалик алоқаси борлигини эслатиб ўтмоқчиман:*

*Йигирма иккинчи ё йигирма учинчи йил бўлса керак, Билим юрти деворлари орасида бирдан шов-шув кўтарилди:*

*— Туркияга талабалар юборилар экан! Йилдирим кетармиш!..*

Аммо турк зобитлари таъсири ва тарбияси остида Тошкентда турибоқ турк бўлиб олган Йилдирым — Имом-хон Хусанхўжаев ҳазиллашиб ўқталган ов милтиғидан отилган ўқ билан Туркияга эмас, тўғри қабристонга жўнатилды. Туркияга сотқинлик ва пасткашлик билан сажда қилган миллатчилар, қора орзуларига етолмай, гўр устида: “Миллатнинг ёруғ ва умидли юлдузларидан бири бевақт сўнди!” деб аза тутдилар. Мен эсам ўз она-Ватанини ташлаб, ўзгалар юртига кетишнинг нақадар қабиҳлигини, тўғрироғи, катта жиноятлигини англамаганим ҳолда, орзуси ушалмай қолган ёш йигитнинг фожииона тугалишига қаттиқ ачиндим.

Орадан йиллар ўтди. Етимлигимни, орқадан йўқлаб келгувчим бўлмаганини кўриб, Билим юрти муаллимларидан Леон Бернардович Гинтилло деган кекса бир киши мени ўзига асранди ўғил қилиб олди. Дарҳақиқат, қашшоқликдан умр бўйи чиқмай, отасидан мерос бўлиб қолган тўрт таноб ерда унимсиз меҳнат билан рўзгорини тебратолмай хуноб бўлиб ётган отам, уйдан қочиб кетганимда; “Болам нима бўлди экан?” деб изламадигина эмас, ҳалига қадар ҳатто бир энлик хат билан ҳам йўқламади. Балки, бу қашшоқлик натижаси эмас, дийдаси қаттиқлик оқибати бўлгандир?

Гинтилло менинг ўқишларимга, моддий эҳтиёжларимга ёрдам берса ҳам сиёсий онгимнинг ўсишига, тўғри совет йўлидан боришимга далда берадиган яхши ўғитлар, фойдали насиҳатлар қилмас эди. Мен тамоман ўз ихтиёримга, Билим юртида ҳукм сурган зарарли муҳит ихтиёрига ташлаб қўйилган эдим. Туркистонлик бир талаба (оти эсимда йўқ) имомгарчилигида кўплашиб намоз ўқиган кезларимиз ҳам бўлганини эсласам, ҳали ақлини тамом таниб олмаган шўринг қурғур кичкина боланинг бир ёқдан ислом, иккинчи ёқдан миллатчилик омбури маҳкам қисиб олганини кўз олдимга келтираман”.

Терговчининг кўнглини роҳатлантириши мумкин бўлган бу сатрларнинг эътиборсиз қолишини билса ҳам ёзаверди. Агар бу гаплар хавфсизлик идорасига ўттизинчи йилларда етказилганда қимматли маълумот сифатида қадрланган бўларди. Ҳозир терговчи бу сатрлар ёзилган қоғозларни ғижимлаб ташлаши ёки ёқиб юбориши ҳам мумкин эди. Ёки... “пуч ёнғоқлар билан мени лақиллатмоқчимисан!” деб тепкилаб қолиши ҳам ҳеч гап эмасди. Мирзакалон буларни билса-да, ёзишдан тўхтамади:



“Билим юртида ўқиб юрган кезларимда Сиддиқ Ҳидоят-тов деган боланинг уйига борганим, у билан айвонларида ўтириб шахмат ўйнаганим ва Сиддиқнинг таклифи билан орқа ҳовлиларига ўтиб, мева еганим аниқ эсимда. Аммо у билан қай шароитда танишганим ва уйига қай йилда борганим сира хотиримда йўқ. Иккаламиз ҳам тамом ёш бўлганимиз ва бирон ақида кўчасига кириб улгурмаганимиз учун, ўртамизда диққатга сазовор бирон жиддий гап ўтгандир деб ўйламайман. Мени унинг уйига олиб борган нарса — шахмат ўйинига ўчлигим бўлса ҳам ажаб эмас. Шуни ҳам қайд этиб ўтайки, Сиддиқнинг миллатчи Боту укаси эканини ўша вақт билармидим-йўқми, буни ҳозир ҳам аниқ эслай олмайман...”

Эслай олмайман... Яхши баҳона... Нега эсламасин? Ботуни унинг суҳбатларини унутиш мумкин эканми? Дунё кўрган бу одамни миллатнинг фахри деб ҳисобларди, унга ҳаваси келарди, унингдек бўлишни орзу қиларди, ҳар бир сўзини жон қулоғи билан тингларди. Унингдек бўлиш орзуси... Ажаб! Илм ва ижодда унинг мартабасига етолмаган бўлса-да, “миллатчи” деган тамғага эришиб турибди. Ўттизинчи йилларнинг иккинчи ярмини эслаганда ҳануз бир нарсага тушуна олмайди: қамақамалар бошланмай туриб миллатнинг гуллари ҳисоблаган зиё аҳли орасида кўп фитналар бўлди. Бир-бирларининг бошлари устидан мағзава агдарганлар ҳам учради. Халқни уйғотиши, озодлик йўлига бошлаши лозим бўлганлар бу муқаддас бурчларини унутиб, жар ёқасига келиб қолганларини ўзлари ҳам сезмадилар. Мирзакалон устозларнинг барчасини бутун қалби билан ардоқларди, уларга интиларди. Айниқса, Чўлпон билан Боту йигитнинг қалбида алоҳида ардоққа эга эди. Айни чоқда бу икки улуғ орасида аҳиллик йўқлиги, дунёқарашларида зиддиятлар мавжудлиги бу қалбини омбур исқанжасида азобларди. Ботунинг Чўлпон ва Фитрат дунёқарашига зид фикрларида ёмонлик уруғи йўқ эди, фикрлар олишувни холислик билан олиб бориларди. Лекин бу холис олишувни зийраклик билан кузатиб, пайт пойлаётган ганимлар тегирмонига сув қуяётганини фаҳмламасмиди? Чўлпон ҳам Фитрат ҳам қамалди. Улар тўғрисида бошқа маълумотлар йўқ. Абдулла Қодирий учови бир кунда отилди, деган миш-мишларни эшитган, бироқ, ишонини ҳам, ишонмасликни ҳам билмайди. Кечаги кунги назоратчининг гаплари рост бўлса, демак, ўша йилла-

риёқ отиб ўлдиришган. Боту уларни миллатчиликда айблаган бўлса, орадан кўп ўтмай унинг ўзини ҳам шу айб билан ҳибсга олдилар. Бир куни Сиддиқ “Акамни Москвага олиб кетишибди”, деди. Уруш арафасида кўришишганида эса “Акамни Москвада ҳукм қилиб отишганимиш”, дедди. Бу хабарни ука ишонқирамай айтганда бошқалар ишонишсинми? Мирзакалон шуларни ўйлади, лекин қоғозга туширишдан ўзини тийди.

Мирзакалон терговчининг Билим юрти ҳаёти билан қизиқишини биларди. Билим юртига алоқадор бир қанча зиё аҳлининг айримлари Сталин қиргини авжига чиққан урушгача бўлган йилларда қатл этилган, баъзилари эса узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Сибирнинг совуқ ўрмонларида кимлар ўлиб кетди, яна кимлар тақдиридаги озодлик ёзугидан умид қилиб яшаб юрибди экан? Ҳамонки, терговчи Билим юртидаги ҳаёти билан қизиқар экан, ёзмасликнинг иложи йўқ. Мирзакалон қама-қама йиллари Билим юрти шаънига қандай балчиқлар чаплаганини эслади. Ўзбекчани билмайдиган терговчи у гаплардан беҳабардир, деган тўхтамга келиб, ўтгизинчи йилларнинг ярмидан бошлаб, то урушгача давом этган тўхматларни бир-бир эслаб, қоғозга тушира бошлади. Гапнинг аввалини сиёсат пардасига ҳафсала билан ўради. Бу ёзганлари терговчининг гашини келтирган тақдирда ҳам дағдаға қилолмайди. Салгина эътироз билдирса, эртага ўзининг аҳволи бугун ўзи қийнаётган маҳбусларникидан баттар бўлиши мумкин.

*“Йиллар ўтган сари Совет ҳокимияти мустаҳкамланиб, совет кишиларининг ўз социалистик ватанига ва унинг порлоқ келажига бўлган ишончлари кучайиб борди. Мамлакатни коммунизм сари ғолибона олиб бораётган шонли Ленин-Сталин партиясига ичдан туриб зарба беришга қасдланган сотқин троцкийчи-зиновьевчи аблаҳларга қарши мамлакатда қизғин кураш бошланиб кетди. Бу курашда Билим юрти ҳам четда қолмади. Мамлакатнинг ички ва ташқи душманларига қарши курашда, мамлакатни социализм асосида қайта қуриш, одамларни коммунизм руҳида тарбиялаш курашида чиниққан асл совет кишиларининг фош қилувчи овози Билим юрти деворлари ичида ҳам янграб кетди. Талабалар орасида ўзининг троцкийчи фикрлари билан танилган бир-икки ўқувчи умумий мажлисда муносиб равишда дўппосланди, юзларидан троцкийчи*

ниқоблари йитиб ташланди, аммо... мактабдан қувилмадилар...”

Шу сатрларни ёзатуриб хаёлига беихтиёр “Шарофни танқид қилавериб, ўшанга ўшаб ёзадиган бўлиб қолибманми?” деган фикр келди-ю маҳзунлик билан кулимсиради. Берлиндан қайтиб “Қизил Ўзбекистон” газетасида иш бошлагач, бош муҳаррирнинг дабдабали сатрларга ғоят ўчлигидан кўнгли хира бўлганди. У осмондан тушгани йўқ, ҳар бир мақола дабдаба булогидан сув ичиши шартлигини билади. Истаса-истамаса, ўзи ҳам ёзади ўшандай сатрларни. Айниқса уруш йилларидаги мақолаларида бу масалада ўзига ўзи эрк берарди. Уруш кунлари бундай дабдабани кўтарарди. Бу усулга муҳтожлик бор эди. Энди ҳақиқатга ёндашиш вақти келди, деб ҳисобларди. Урушнинг барча даҳшатларига гувоҳ бўлган икки собиқ зобит, бири Бош муҳаррир, бири эса масъул котиб бу масалани ижодий баҳс деб ҳисоблаб, тортишувларини бас қила қолмас эдилар. Баҳс даҳанаки жангга айланган пайтларда ҳам иккала томон ҳам бўш келишни истамасди. Сўнги даҳанаки жанг чоғи мушт ишга тушди-ю, “ижодий баҳс” ниҳоясига етди. Баҳснинг интиҳоси масъул котибнинг бошқа ишга ўтишидан иборат бўлди. Мирзакалон қамоққа тушган дастлабки кунлари бу идорага тўхматнома ёзиб беришда гумонсираган одамларни ўзининг хаёлидаги “қора рўйхат”дан бирин-бирин ўчирди. Булар орасида Бош муҳаррир ҳам бор эди. “Ҳамма тирик жон сингари Шарофнинг ҳам ўзига яраша иллатлари бор. Лекин у сотқин эмас”, деган хулосасини ҳозир ҳам эслади. Алҳол, у зиддияга доир воқеаларни эслаш вақти эмасди. Шу сабабли, хаёлини жамлаб, яна Билим юрти воқеаларига қайтди:

*“Мен Билим юртида ўқиб юрган кезларимда яна бир воқеа юз берди. Аммо унинг қайси йилда юз берганини аниқ айтолмасам-да, ҳарҳолда йигирма тўртинчи йилдан кейин эмас, деб биламан.*

*Юқори синфларда ўқувчи қўқонлик талабалардан Исмоилжон (отининг аниқлигини тасдиқлай олмайман) Қодиров билан Солижон Исмоилов аввал “қайчи қуда” бўлдилар, яъни бир-бирларининг сингилларига уйландилар. Кейин эса Туркияга ўтиб кетдилар. Уларнинг Ватанга хиёнатлари яширин, махфий суратда эмас, балки ҳаммага ошкор суратда қилинди. Мен уларнинг ёзги таътилда Кўқонга бориб, курсларда муаллимлик қилиш йўли билан*

кўпгина пул топмоқчи, кейин буларни тиллага айлантириб, Туркияга ўтиб кетмоқчи бўлганларини синфдош ўртоғим Жавлондан эшитдим. Жавлон ўз ҳамшаҳарларининг кирдикорларига улар Ватанга хиёнат қилаётганлари учун эмас, ўз севгилисидан ажраб қолаётгани учун ғазабланиб гапирди. Дарҳақиқат, у Қодировнинг сингисини севар, ошиқи-беқарор эди.

Кўқонлик икки талаба томонидан тайёрланган бу хиёнатни Билим юрти раҳбарлари кўра-била туриб қораламадилар, тегишли чора кўрмадилар, оддий воқеадек парвосиз ўтказиб юбордилар. Яна Жавлоннинг айтишича, қочоқлар ёз таътилида муаллимчилик қилиб кўп тилла йиққанларда, кузда қора ниятларига етганлар...” Тошкент. Дархондаги уч хонали уй.

**1986 йил, 4 феврал, сешанба, соат 16.10.**

Гоҳ худ, гоҳ бехуд ётган ҳолида ўтмишини эслаётган беморнинг қулоғига таниш овоз урилиб, кутилмаган қувонч эпкинида енгил сесканди. Ҳатто кўзларини бир неча сонияга очди. Овоз эгасини қидириб, аланглади. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, ўн саккиз ёшида йигит кўнглини овлаган бу ширин овоз ҳали ҳам тотли эди. Лекин... жон олғувчи бу овоз эгаси чиндан ҳам йўқлаб келдими ё Билим юртидаги воқеалар хаёлини ёритгани учун қулоғи остида ғойибона жарангладими?

— Ҳамидахон, дўхтирлик қилмай қўйганингиз чакки бўлибди-да, Санобархон икковимизга бинойидек тиш қўйиб берувдингиз. Ясама тишларим ҳам ўзимга ўхшаб қариб кетди. Янгилаш баҳонасида яна олдингизга бормоқчи бўлиб юрувдим.

— Яп-янги тиш сиздан айлансин, бувижон, ўзим бўлмасам, ўзимдан ҳам зиёда шогирдларим бор.

— Мирзакалон тузалиб қолса, бораман...

“Ҳа, эшитиб келибди. Ё кимдир чақиртирганми? Эҳтимол кампир тушмагур йўқлатгандир. Ҳа... бу унинг иши. Армонда кетмасин, деган. Юрагимнинг бир учи кемтиклигини яхши биларди...”

Отаси Исмоилхўжага хотин чидамасди. Агар адашмаса, ўн мартадан ортиқроқ уйландиёв. Фақат ўн иккинчи ёки ўн учинчи ҳисобдаги Ҳикматхон унга бас кела олди. Ҳар қандай хотинни калтаклай-калтаклай талоқ қилиб юборувчи бу одам шу хотин билан яшаб қолди. Икки

ўғил, бир қиз кўришди. Деҳқонларни кулоқ қилиш бошланганида Исмоилхўжа Тошкентга кўчиб келди-ю, Мирзакалон ҳам, синглиси Санобар ҳам ўгай онани ҳеч иккиланмасдан “буви” деб атай бошлашди. Укаларини ҳам ўз туғишганларидай билиб, ардоқлашди. Ҳикматхон ҳам уларни ўз фарзандларидан аълороқ кўрарди. Биринчи марта қамалганида унинг бир неча туну кун қамоқхона атрофида бўзлаб юрганини эшитиб, кўзларига ёш олган эди. Иккинчи қамалишида Қарагандага ҳам келди. Энди... айрилиқ аниқ эканини сезган. Дийдор қиёматга қолмасин, деб яқинларига хабар берган.

Мирзакалон шуларни ўйлаб кўзларини очиб кампирни сўнгги марта бир кўргиси келди, унинг беозор ва шодон қаҳқаҳасини эшитгиси келди. Меҳнат туфайли қотиб кетган бармоқларини қафтлари орасига олиб силлашни истади... Бироқ, ҳарчанд ҳаракат қилмасин, мижжаларга ҳукмини ўтказа олмади. Жон тарк этаётган қўллари ҳам ўзига бўйсунмади...

Аёлларнинг уйга кирганларини сизди. Ҳамида энгашди. Ёқимли нафаси Мирзакалоннинг юзига урилиб, юраги гупирлаб ура бошлагандай бўлди. Бу юрак ҳозир саксон йил кўкрак қафасини тепа-тепа чарчаганини, вазифасини адо этиб бўлиш арафасида эканини унутди. Муҳаббат майидан маст кезларидаги каби дадил-дадил урди.

## **“ЎЛИКЛАР” ЁХУД БИРИНЧИ МУҲАББАТ МОЖАРОСИ**

... Ўша пайтларда “Ўликлар” деган ваҳимали ном билан машҳур бўлган воқеани унутиш мумкин эканми? Гап номда ҳам эмас, ишқий можарода ҳам эмас, орага қурол, имзосиз хатлар аралашганида ҳам эмас. Бу можароларни эсдан чиқариб ташлаш ҳам мумкин. Лекин қалбга муҳрланган бир хотирани ўлимдан бошқа ҳеч қандай куч ўчира олмайди. “Ўсма кетар, қош қолар”, дейиланидек, биринчи муҳаббат эҳтирослари бу вужудни жондан илгари тарк этишни истамасди.

Ўша йиллари Эрлар билим юрти билан Қиз-жувонлар билим юрти ўртасида бирлашган ҳаваскорлик драмтўгараги ташкил этилган эди. Мирзакалон бир не-

ча дўстлари билан бирга бу тўғарақда иштирок қиларди. У ўшанда жуссаси ўзига ўхшаган кичкинагина, кўзлари ўйнаб тургангина, ўзи оқишдан келгангина бир қизни севиб қолди. У — Ҳамидахон эди. Мирзакалон ундан севги тўла кўзларини асло узолмас, ёнига бориб ишқ дафтарини очишга эса ҳеч ботинолмас эди. Қиз ҳам майлдор боқишлар ва жон олғувчи жилмайишлар билан йигитнинг севгисини ардоқлар, саҳнада ўйинга тушатуриб пинҳона ташлаган нигоҳлари билан унингсиз ҳам ёниб турган қалбини бешбаттар ёндирар эди. У ошиқликнинг кўзга кўринмас чайир иплари билан кун сайин маҳкамроқ боғланиб борарди. Қалби севгисини икки йил ўз бағрида пўпалаб ўстирди ва, ниҳоят, йигирма еттинчи йилнинг ёзги таътилида иқроғга келтирди. Мирзакалон билан Ҳамидахоннинг севгиси, майли ҳаммага ошкор бўлди. Бу севгини, бу бахтни кўролмаган, уларни бир-бирларидан айиришга ҳаракат қилган кишилар ҳам пайдо бўлди.

Уларнинг севгисига қаратилган ҳужум замирида маҳаллийчилик чўғи мавжудлиги миллат тақдири хусусида жон қайғурувчи йигитни тамоман гангитиб ташлади. Миллатни хароблик ботқоғига айнан маҳаллийчилик ботиришини у Ботунинг суҳбатлари орқали англаганди. Англагач, Билим юрти талабалари орасида айнан шундай хасталик борлигини билиб юраги эзилди. Тошкентлик фарғоналикни, самарқандлик хоразмликни, термизлик бухороликни кўролмаслиги уни афсус булути билан ўраб турарди. Бугун билим олиб, эртага халқни гафлат уйқусидан уйғотиши лозим бўлган йигитларнинг бу аҳволи миллат келажагига қора парда тортаётгандай бўларди. Айнан шу хасталик билан оғриётган йигитларнинг ўзига ҳужум қилиб қолишларини эса ўйлаб кўрмаганди. Ҳа, шундай бўлган эди. Севгилари ошкор бўлгач, Яқуб деган йигит биринчи бўлиб бош кўтарди. Бир у эмас, яна кўпгина йигит бу қизга ошиқ эди. Лекин улар орасидан биргина шу Яқуб ҳужум қилишга журъат этди. У “Мен бу қизни севаман!” деб майдонга чиқмади, номардлиги ҳам айнан шунда эди. Атрофига ўзига ўхшаган ўсмирларни тўплади-да: “Тошкентлик қизни андижонлик келгинди олиб кетаверадими?” деган даъво билан чиқди. Бу шунчаки пўписа эмас, икки севишган қалбнинг ишқига очилган уруш эди. Улар

аввалига Ҳамидахонни Мирзакалондан қайтариш учун қизга хилватда насиҳат қилиб кўрдилар. Қиз аҳдида қатъий тургач, Мирзакалон қора хатжилдларда мактублар ола бошлади. “Ўликлар” деб имзо чеккан мактуб эгалари Ҳамидахондан дарҳол воз кечишини талаб қилар, кечмагани тақдирда ўзинигина эмас, қавм-қариндошлари ва уруғ-аймоқларини ҳам битта қўймай қириб ташлаяжакларини ваъда этар эди. Бу аянч, айни замонда кулинч воқеа тез орада Билим юрти деворларидан ташқарига ёпирилиб чиқиб, “Ер юзи” деб номланган журналда “Ўликлар” сарлавҳаси остида оламга машҳур бўлди. Бу ҳам етмагандек, Москвада нашр этилувчи “Комсомольская правда” газетида ҳам эълон қилинди.

“Ўликлар” ўз номи билан ўлимга маҳкум эдилар, улар севишганларни бир-бирларидан айиролмадилар. Ҳамидахоннинг ота-онаси Мирзакалонни келгинди, уй-жойсиз, асранди деб қизини бермаганига, “Ўликлар” ҳар қадамда севгиларига тўсқин бўлганларига қарамай, Ҳамидахон икковлари бирга яшаб кетдилар. Улар ўзларини голиб ҳисоблаб, масрур эдилар. Бироқ... масъудлик узоқ давом этмади. Улар учун ҳеч кутилмаганда комсомол ташкилоти бу масалани муҳокамага қўйди ва “шунча шов-шув кўтаргани учун” Мирзакалонни комсомолдан чиқарди. Шов-шувнинг асл сабабчиси, ишқ аҳлига суиқасд тайёрлаган “Ўликлар”нинг ташкилотчиси эса сувдан қуруқ чиқди.

Масаланинг бир ёқлама ҳал этилгани йигитни қаттиқ ранжитди. Оқшом чоғи юраги ёрилгандай бўлди-ю, севгани Ҳамидахон билан айтишиб қолди. Комсомолдан чиқарилиши кўнглини оғритгани билан бу ҳолни фожиа деб билмади. Бу ондаги жаҳонининг қоронғилиги мажлисдаги адолатсизликдангина эмасди. У ғанимлар қўлининг баландлигидан эзиларди. Ҳамидахоннинг уларга қарши қатъий бир гап айтолмаганлигини айб деб билиб, оғир гапларни айтиб юборишда тийила олмади. Ўша аразлашиш онларидан бери орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтган бўлса-да, Мирзакалон тилидан учган сўзлари учун ҳали ҳануз ўзини кечира олмайди. Ҳозир, боши ёс-тиқда, жони ажал ҳукмида эканида Ҳамидахоннинг келганини сезиб, ундан яна бир бор узр сўрашни истади. Аммо тили айланмади...

Ўшанда “Сени кўрарга кўзим йўқ”! деб юборган эди.